



Ислом Нури

Ҳасан Басрий айтади: *“Шундай кишиларни кўрдим, улардан бири ўз вақтини пулидан кўра қаттиқроқ қизганар эди”*.

Кичкина ўғлимнинг кеча кечқурундан бери мазаси йўқ. Шу бугун кечқурун ишдан чарчаб келган бўлсам ҳам, унинг учун қийналиш-роҳат деган фикр билан ўзимни юпатиб, уни шифохонага олиб боришга қарор қилдим. Уни кўтариб шифохонага олиб бордим. Навбат кутаётганлар кўп эди. Дўхтирнинг олдига кириш учун навбат олдим ва навбат кутиш хонасига ўтдим.

Хонада жимлик ҳукмрон. Ўтирганларга кўз югиртира бошладим. Баъзилари хонага қўйилган кичкина китобчалардан бирини олиб ўқиб ўтирарди, баъзилари кўзини юмиб олган. Нима ҳақида ўйлаётганини билмайсан... Бошқа бири ҳаммага бирма-бир назар ташляпти. Яна бошқаларининг юзларида кутишликдан зерикиш ва бетоқатликни сезасан.

“Фалончи кирсин”, - дея янграган ҳамширанинг овози узун сукунатни бузиб юборади. Чақирилган кишининг хурсандчиликдан чеҳраси ёрийди. У шитоб билан дўхтир хонаси томон юриб кетади. Сўнг, яна ҳаммага жимлик ҳукмрон бўлади.

Бир ёш йигит менинг диққатимни ўзига тортди. Уни атрофидаги ҳеч нарса қизиқтирмас эди. Унинг кичкина чўнтаки Қуръони бор бўлиб, ундан кўзини узмасдан, ичида ўқирди. Унга қарадим ва у тўғрисида кўп ўйлаб ўтирмадим, лекин, навбат кутиш вақтим роса бир соатдан ошиб кетгач, унга бўлган оддий қарашим унинг ҳаёт услуби ва вақтидан унумли фойдаланиши ҳақидаги чуқур ўйга айланиб кетди.

Умримдан роппа-роса бир соат ўтди. Лекин мен ҳеч қанақа иш ёки



Ислом Нури

машғулотсиз ўтирган ҳолимда, ундан зерикарли кутишдан бошқа ҳеч нарса ололмадим. Муаззин шом намозига азон айтди...

Шифохона масжидига намоз ўқиш учун бордик. Мен у билан ёнма-ён бўлишга ҳаракат қилдим. Намозни адо қилганимиздан кейин у билан бирга қайтдим ва очикдан-очик унга «вақтингиздан унумли фойдаланишингиз менга жуда ёқиб қолди» деб, айтдим. У биз мутлақо фойдаланмайдиган кўп вақтлар ҳақида гапирарди. У вақтлар биз сезмаган ҳолимизда умрларимиздан тугаб бораётган кеча ва кундузлардир. У фақат бир йилдан бери, дўсти вақтга риоя қилишликка қизиқтиргандан буён бу чўнтаки Қуръонни олиб юрадиган бўлганлигини ва у кўп фойдаланилмайдиган вақтларда, масжид ёки уйда ўқийдиганидан кўра бир неча баробар ортиқ Қуръон ўқишини айтди. Аллоҳ хоҳласа, ажр ва савобдан ташқари зерикиш ва сиқилишни кеткизади, деб, қўшиб қўйди. Ҳамсуҳбатим бир ярим соатдан бери бу ерда ўтирганини айтиб, мендан сўради:

- Қуръон ўқиш учун қачон бир ярим соат вақт топасиз...?

Мен ўйланиб қолдим... Қанча вақтлар бекор кетяпти. Сен ҳисобини билмаган ҳолда, ҳаётингдан қанча лаҳзалар ўтиб кетмоқда. Балки қанча ойлар сен Қуръон ўқимаган ҳолда ўтмоқда. Атрофга назар ташладим. Мен, вақт менинг қўлимда эмаслиги, бекор кетган вақтларимдан ҳисоб беришимни англадим. Шундай экан мен нимани кутяпман?

Ҳамширанинг овози фикримни бўлиб юборди. Дўхтирнинг олдига кирдим.

Энди, бирор нарсани рўёбга чиқаришни жудаям хоҳлардим.



Шифохонадан чиққанимдан кейин, тезда китоб дўконига бориб, кичкина Қуръон сотиб олдим. Вақтимдан унумли фойдаланишга қарор қилдим. Қуръонни чўнтагимга сола туриб, ўйланиб қолдим. Қанча одам шу ишни қилар экан? Бу амалга йўл кўрсатганлар учун қанча улуғ савоблар бўларкин!